

МИЛЛИЙ МЕРОСДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

Нигора Аъзамкуловна Буранова
Тарих фанлари номзоди, доцент ТАҚИ
nigoraburanova53@mail.ru

Ушбу мақолада адолатли давлатни бошқаришда файласуф, тарихчи, шоирларимиз яъни буюк алломаларимизнинг ахлоқий қарашлари, уларнинг жамият ва инсон маънавий ҳаётининг энг муҳим ахлоқий қоидаларини ривожлантиришга эътиборини қаратганлиги атрофлича ёритилган.

Калит сўз: ахлоқий қадриятлар, маънавият, жамият, ижтимоий-сиёсий қарашлар, олимлар, қомусийлик, мутафаккирлар, сиёsat, инсонийлик, давлат.

КИРИШ

Маълумки, инсон табиатан эркинликка, эзгуликка интилиб яшайди. Бундай эркинлик ахлоқий қадриятлар билан барҳаёт бўлиб, инсоният учун кулфатлар келтирувчи урушларга, ёвузликка қарши халоскор ғоялар сифатида вужудга келган. Шу тариқа IX ва XIII асрлар Ўрта Осиё халқлари ўз мустақиллиги йўлидаги курашлари ва интилишлари бу ўлканинг маънавий жиҳатдан юксалишига олиб келади.

Мазкур даврдаги ижтимоий-сиёсий қарашларни ўрганар эканмиз, бу даврда Мовароуннахрда етук олимлар - Мотурудий, Бухорий, Термизий, Насафий, Яссавий, Паҳлавон Маҳмуд, табиатшунос олимлар - Хоразмий, Фарғоний, Журҷоний, Чагминийлар, қомусий билим эгалари Форобий, Ибн Сино, Беруний шу даврнинг маҳсули бўлиб вояга етди. Румий, Фирдавсий, Рудакий, Носир Хисрав, Умар Хайём, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Наршахий, Байҳақий каби файласуф, тарихчи, шоирлар шу даврда яшаб ижод этдилар.

Бу ўринда шунга эътибор қаратиш лозимки, бир қарашда илм-фаннынг маълум бир соҳасига йўналтирилгандек туюлган юқоридаги олимлар асарлари ўзининг қомусийлиги билан аҳамиятга эга. Яъни, бу даврда яшаб ижод қилган мутафаккирларимизнинг ижодларига қомусийлик хосдир. Шунингдек, Ўрта Осиёда IX – XIII асрларда яратилган маданият давлатчилик ривожида янги назарий қарашлар ва таълимотларнинг вужудга келишига ҳам замин тайёрлайди.

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ушбу даврдаги ижтимоий-сиёсий қарашлар ривожини таҳлил қилар эканмиз, XI асрда яшаб ижод қилган Зайниддин Муҳаммад Ғаззолийнинг «Кимиёи саодат» асарига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Бу асарида мутаффакир жамият ва инсон маънавий ҳаётининг энг муҳим ахлоқий қоидаларини ривожлантиришга эътиборини қаратади. Бу борада Муҳаммад Ғаззолий инсон ҳақиқатининг мазмуни ва моҳиятини асослашга ҳаракат қилади. Масалан, у шундай дейди; «Билгилки, дилнинг ҳақиқатини танимоқ то дилнинг вужудин билмагунча ҳосил бўлмас. Аввал дилнинг вужудин билғайсен. Андин кейин дил ҳақиқатини танимоқни талаб қилғайсенким, ул нечук нимарсадур? Аммо дилнинг вужуди зоҳир билан бирла эрмасдурким, бадан ўлукларда ҳам бордур. Аммо жон йўқдур. Бизлар дил деб ҳақиқатни руҳни айтурмиз»[1].

Дарҳақиқат, мутафаккир, аввало, инсоннинг руҳий оламини бойитишга, унинг асосида нима бирламчи бўлмоғи лозимлигига қаратилган ғояларни илгари суради. Бундай ғояларнинг заминида ўзликни англаш, ҳақиқатни таниш ва шу орқали дилнинг муолажасига эришиш каби муаммоларнинг ечимини кузатиш мумкин.

Мақолада мантиқийлик, функционал-тизимлилик, таҳлил, моделлаштириш каби методлардан, шунингдек республикамиз тарихчи олимлари тадқиқотларидан унумли фойдаланилган.

НАТИЖАЛАР

Мазкур даврдаги ижтимоий-сиёсий қарашларнинг ривожини таҳлил қилар экан, Юсуф Хос Хожиб ижодига ҳам алоҳида аҳамият қаратиши лозим. Унинг мазкур асарида давлат ва унинг бошқарувига даҳлдор ахлоқий масалалар ҳам катта ўрин тутган. «Қутадғу-билиг» ижтимоий - фалсафий асар бўлиб, достон муаллифи ўз замонасининг илмини мукаммал ўрганган етук маърифатли шахслардан бўлган. У юонон фалсафасини чукур билиб, давлат бошқарувида ахлоқий қарашларни достонда кенг шакллантирган. «Қутадғу билиг» давлатни бошқариш амаллари, қоидалари ҳамда сиёсий-ахлоқий муносабатларнинг жамиятда тутган ўрни тўғрисидаги фикрларни мужассам этган «сиёсатнома»,- деб ҳисоблаш мумкин[2]. Юсуф Хос Хожибининг ахлоқий қарашлари унинг сиёсий ва ижтимоий қарашлари билан чамбарчас боғланиб кетган. Унинг фикрича, ҳокимларнинг ва уларга тобе кишиларнинг ҳар томонлама ахлоқий камол топиши давлатнинг сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланишига, обру-

эътиборининг ошишига олиб келади[3]. У давлат бошқаруви ва хизматини ташкил этиш турларини ҳамда шу даражаларга мувофиқ сифатларини таснифлайди. Жумладан, «Шоҳликка даъвогарлар онадан ажиг бир истеъодод билан туғиладилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фитратига эга бўладилар. Бундайларга худо идрок, фаросат ва юмшоқ бир кўнгил ато этади, қолаверса яхши иш юритиш укуви билан ҳам сийлайди»[4],-деб барча ишларда тажрибали, ёмонликни дарҳол сезувчи, оқиллик бобида ибратли, заковатли, маърифатга ташна, кичикларга таянувчи,adolatparvar, садоқат каби сифатларнинг соҳиби бўлиши шартлиги таъкидланади.

Бу асарни ўрганиш жараёнида унинг қуйидаги жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Яъни, у давлат бошқаруви учун масъул шахслар жамиятнинг илмий ва маданий салоҳиятини, адолатли давлат асосларини яратувчи куч деб билган. Масалан, у, зиёлилар тўғрисида шундай дейди: - «Ҳақиқий зиёли ҳақиқат таянчи бўлади. Агарки оламда донишлар бўлмагандан, ерда ризқ-рўз унмас эди. Уларнинг зиёси халқ йўлини ёритувчи машъалдир. Донишларга ширин сўз билан баҳра бер, моддий манфаатини қондиришга ҳаракат қил»[5]. Демак, агар биз демократияни жамиятнинг юксак маданий шакли деб қарайдиган бўлсак, унда аждодларимиз яратган мерос бевосита адолатли давлатнинг ахлоқий асоси бўлиб хизмат қиласи.

IX-XIII асрдаги ижтимоий-сиёсий қарашлар ривожини таҳлил қиласи эканмиз, қомусий олим **Ибн Сино** асарларига ҳам албатта мурожаат қилиши лозим. Маълумки, у Ўрта Осиё табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий қарашларининг буюк намояндаси, тиббиёт, фалсафа, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий фикрлар тарихига улкан ҳисса қўшган асарлар муаллифидир.

Ибн Сино асарларини ўрганиш жараёнида унинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратиши лозимдир. У фалсафани назарий ва амалий фалсафага ажратади. Ижтимоий-сиёсий масалалар, давлат, жамиятнинг тузилиши, вазифалари, жамоани бошқариш, инсоннинг ахлоқий мезонлари ўрганилади. У фалсафани ўз вазифаси ва предметига қараб уч қисмга бўлади. **Ахлоқшунослик** - бу инсон шахсиятининг фазилатлари, ахлоқий тушунчалар, қоидаларни ўрганади; **иқтисодиёт** - оилани бошқариш, унинг талабларини, вазифа ва фаолиятини таъминлаб туриш учун зарур бўлган масалаларни ўрганади; **сиёсат** - бу давлатни идора этиш ва бошқариш, ҳукумат ва фуқароларни ҳамда давлатлар ўртасидаги муносабатларни таъминлаш масалаларини ўрганади[6].

МУҲОКАМА

Ушбу даврдаги ижтимоий-сиёсий қарашлар ривожини ўрганар экан, бу даврнинг йирик мутафаккири ва давлат арбоби **Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»** асарини албатта мутолаа қилиш лозим. У мазкур асарида давлат бошқаруви, унинг мукаммал тизимини яратиш борасида улкан илмий мерос қолдирган. У амалдорларни ахлоқий фазилатларига қараб танлаш,adolat ва инсоғни оёқ ости қиласидиган кишиларни давлат ишларига аралаштирмаслик, қолаверса, бир кишига барча ваколатларни бериш зиёнлари, давлат амалларини топширишда назорат қилиш чораларини кўриб бориш ҳамда уларнинг итоат ва ижро сифатлари билан давлат истиқболини ва бунда бошқарувнинг бир маромдаги фаолиятини таъминланиш тўғрисидаги фикрларини ривожлантиради. Айниқса, Низомулмулкнинг - «Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак»[7], деган қарашлари аждодларимизнинг давлат қурилишинингadolatли тартиботларига нечоғли даражада аҳамият берилганинигдан далолат беради.

Даврлар ўтгани сайин буюк аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг қадр-қиммати янада ошиб бормоқда. Унинг асарларини ўқиб, темурийлар даври маданий ва ижтимоий ҳаётидан, ўша давр жаҳон халқлари тарихидан хабардор бўламиз. Халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларда буюк анъаналарга нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотишга кўмаклашиш устувор мақсадлардан саналади. Аждодларимиз яратган асарларда миллат тақдири, бирлиги, эл-юрт қайғуси, юртни ободонлаштириш, илм, санъат ва адабиётни ривожлантириш масалалари кенг ёритилган. Бундан ташқари, бебаҳо асарларда Ватанга муҳаббат, меҳнатга садоқат, ахлоқий юксакликка интилиш, гўзаллик ва мурувват, меҳр-шафқат, шахс эркинлиги, ижтимоийadolat учун кураш ғоялари хам акс эттирилган[8].

ХУЛОСА

Мустақиллигимиз шарофати билан миллий-маънавий меросимизни ўрганиш имконияти халқнинг тарихий хотирасини тиклашда, давлатчилик маданиятимизни ўзлаштирган сари руҳан-маънан соғлом ва бақувват бўлишда, олдимиизда турган мақсадларимизни амалга оширишда фаол бўлишимизга хизмат қилмоқда. Миллат руҳияти кучли бўлсагина, давлат тараққиёти ва истиқболи порлоқ бўлади.

Шарқда инсонни улуғлаш, унинг ақлий, табиий, бадиий, маънавий фазилатларини асослаш, инсонпарварлик,

юксак ахлоқий қонун-қоидалари намоён этилган. Универсаллик - қомусийлик, барча нарса билан қизиқиш IX ва XIII асрлардаги давр маданиятининг муҳим томонларидан бири бўлган. Бундай илмий маданият имкониятларидан фойдаланиш давлат қурилиши ва бошқарувининг назарий негизлариниadolat, инсонпарварлик тамойиллари асосида шакллантириш, уларнинг хуқуқий ҳамда амалий асосларини ривожлантиришга хизмат қиласди.

REFERENCES

1. Фаззолий З.М. Кимиёи саодат. –Т.: Камалак, 1994, - Б.64.
2. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. – Т.: Фан, 1971.
3. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Ўзбекистон, 1995. – Б. 93.
4. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. –Т.: Фан, 1971. – Б. 329.
5. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. –Т.: Фан, 1971. – Б. 649-651.
6. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б.67.
7. Низомулмулк. Сиёсатнома. –Т.: 1997. – Б.75.
8. http://www.ud.uz/unique_charming/great_personality/